МАЪСУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАНЖАМИЯТ ШАКЛИДАГИ
«ZAMIN OIL-AUDIT» АУДИТОРЛИК ТАШКИЛОТИ

Юридик манзили: 180100 Кашкадарё вилояти, Карши шахри, Шибаев кучаси, 1-уй 15-хонадон, тел.(+99891) 640 45 64, 91-462 41 58.
Аудитолик фаолияти буйича Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг 05.04.2019 йилдаги № 00774 ракамли лицензига эга.
Х/р 22080009041627110О1 ЎзСҚБ Қашқадарё минтақавий филиали МФО 00854 ОКЭД 69202

Ижобий фикр билдирилган
АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ

Буюртмачи: *"Самарқанддонмаҳсулотлари"АЖ х/р* 20208000900193761001
АТБ"Агробанк"Жомбой. филиали МФО 00279 СТИР: 201328304
ОКЭД 10610
Манзили: *Самарқанд вилояти,Самарқанд шахриЗиёкор кучаси,4-уй*

Мен, МЧЖ «ZAMIN OIL-AUDIT» аудиторлик ташкилоти (Кашкадарё вилояти Карши шахри Шибаев кучаси 1-уй 15-хонадонда жойлашган, СТИР 203869896, ОКЭД коди 69202, хисоб раками 20208000904162711001 «Узсаноаткурилишбанк» Кашкадарё минтакавий филиали Карши шахри МФО 00854) аудитори Хужакулов Азамат Уралович (аудитор малака сертификатига № 05590 берилган санаси 07.02.2019 й.) хўжалик юритувчи субъект "Самарқанддонмаҳсулотлари" АЖнинг «Бухгалтерия баланси» 1-шакл, "Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот" 2-шакл), «Пул окимлари» тўғрисидаги ҳисобот 4-шакл, "Хусусий капитал тўғрисидаги ҳисобот" 5-шаклдан иборат 2021 йил 31-декабрь ҳолатидаги молиявий ҳисоботларнинг ишончлилигини **мажбурий** тарзидаги аудиторлик текширувидан ўтказдим.

Хўжалик юритувчи субъект раҳбариятининг жавобгарлиги

Хўжалик юритувчи субъект раҳбарияти бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ молиявий ҳисоботнинг тайёрланиши ва ҳаққонийлиги, ҳамда ички назорат тизими учун жавобгардир.

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги ўтказилган аудиторлик текширувига асосан ушбу молиявий ҳисобот юзасидан фикр билдиришдан иборат.

Биз "Самарқанддонмаҳсулотлари" АЖнинг илова қилинган молиявий ҳисоботини аудиторлик текширувидан ўтказдик. Аудиторлик текшируви молиявий ҳисобот ва бошқа молиявий ахборотлар барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқлиги ва ҳаққонийлигини баҳолашдан иборат.

Биз аудиторлик текширувини Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартларига мувофиқ ўтказдик. Ушбу стандартлар молиявий ҳисобот жиддий бузиб кўрсатишларга эга эмаслигига етарли даражадаги ишончга эга бўлишни таъминловчи аудиторлик текширувини режалаштиришни ва ўтказишни тақозо этади.

Аудиторлик текшируви аудиторлик далилларини олишга йўналтирилган аудиторлик амалларини ўтказишни ўз ичига олади. Аудиторлик амалларини танлаш бизнинг мулоҳазамизнинг предмети ҳисобланади.

Аудиторлик текшируви давомида олинган аудиторлик далиллари молиявий ҳисобот ишончлилиги тўғрисида фикр билдириш учун етарлича асослар беради деб ҳисоблаймиз.

Ижобий фикр

Бизнинг фикримизча хўжалик юритувчи субъект "Самарқанддонмаҳсулотлари" АЖнинг 2021 йил 31-декабрь ҳолатидаги молиявий ҳисоботи барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича унинг молиявий ҳолатини ва молиявий-хўжалик фаолияти натижаларини ҳаққоний акс эттиради ва бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун-ҳужжатлари талабларига мувофиқ келади.

Аудиторлик ташкилоти директори,
аудитор: **А. У. Хужакулов**

5-март,2022 йил